

Назмий соҳадаги фаолиятда санъат яратолган ижодлардан сўзга жавобгарликни идроклаш бўйича ҳам яшовчан ибратлар мерос қолади. Улар эришган, интилишган мезонлар асл муддаога беҳато элтувчи макбул йўриқлар сифатида жозибасини саклайди. Навоий шоирлик («тенгри эҳсон») ўз пешонасига битилган қисматлиги учун шукрона айтган, маъсулиятни ҳислаб эса хайратомуз безовталанган: «чекибон кўп ракам», гоҳида «журму гуноҳ» қилган банди оғиз билган ўзини. Илоҳдан астойдил авф сўраган. Барқамол бўлолмаганидан афсусланиб, энди, ҳеч бўлмаса, тавбасининг қомил бўлишлигини тилаган. Оғахий наздида шеър «неъматни узамоқдурким, Тангри Таъоло уни ҳар қишига ато қилмоғишдур», бу мушқул ҳунар шуаронинг «икки дунё манзилати саодатига восил бўлмоғига боисдур». Бадииятнинг қадимлардан буён эскирмас, боқийликка вобаста, юзлаб чигирқдан ўтган ўлчовлари мавжуд. Қим билади, халигача фаҳмимиз ва зехнимиздан ташқарида турган яна қанча адабий асрору меъёрлар бордир? Ҳар қалай, турфа олижаноб қоидалар барча даврлар адабиётининг чор тарафига, қатта-кичик жамаки қаламкашига бирдек тегишли экани аниқ. Сўз вазифасини белгилашнинг арзигулик тасдиқлардан ўтган тажрибаси — фасохат ҳиссининг битта, аммо бирламчи шарт.

Ўоявий-поэтик талабларни чуқур сезмок ҳам балки ярим ижод, балки ярим ютуқдир? Эҳтимол, дунёдаги ҳар одам шоирона кўнгил эгаси бўлиб чиқар? Лекин шоироналик бошқа, назмга ва шоирликка ҳос иқтидор бошқа. Кейингиси ато этилажак, умрий синовда жавоби айрича бўлажак, юки-мажбурияти оғир ноёб ходиса. Шоирлик ардоққа, парваришга, ички одоб-интизомга, бинобарин, холис ташқи таҳлилга, назоратга, мактов-дашномга эҳтиёжманд. Шоирликнинг қизгин мақомини топмок, зўр мақомининг маромини умрбод сакламок ҳамиша душвор. Ундан ажралиб қолиш, жудоликни сезмаслик, қофиябозликни илинж қилиб яшаш ҳамма вақт осон.

Нодирлиги аён истеъдод - ўз шахсининггина эмас, Ватан, миллат, башарнинг мулк-махзани, кўз қорачиги. Унинг йўлидаги машаққатга (сузликка, инкирозга, гов-тўсикка) лоқайд фуқаро ҳам чин фозил, чин элпарвар эмас. Шухратининг гоят қаландлашган қалласида юртни ҳаяжонга қулгаган шеърийят «Бир вақт ёнғанимдай балки ёнмасман» (Абдулла Орипов, «Денгизга» - 1973) дея енгилгина, йўл-йўллақай лирик чекинар экан, хайрихоҳ қилинган ваҳмкор тағмалик зарбидан қаттиқ сесқаниб қетмаганми? Ёхуд шуни Э. Воҳидов, Р. Парфи, О. Матжон, У. Азим, Иқбол қабилар айтса ҳам «ўзи асрасин!» дегингиз қелмайдими? Чин шеърийятнинг шунчаки қалида ҳам муайян қувват бўлади. Шунингдек, мақкур мисра ифодаламиш туйғуда илхомнинг беҳад инжа неъматлигини, сўз санъатининг уқдаси буюқлигини муносиб идроклаш ҳам борқи, шунинг сеза олувчилар гоят нозикфаҳмқиллар.

Мақсад-мўлжални аниқ белгиламай, маъно-маъна инжикликларини бошдан қечирмай, ёқимли фасохат ва янғичалиққа интимай туриб қуруст натижага эришиб бўлмайди. Кейинги йилларда қилоятларимизда қоп этилган шеърий қитобчаларнинг анчасини ўқидим. Бу нашрлар маълақат бўйлаб тенг тарқалмаётгани, ўз воқаларидан қетларга, марқазда яшовчиларга, барча қитоб қўқонларию ихлосмандларга етиб қормаётгани қир эмас. Улар билан муқтазам қанишиб қориш имқони менга-да армондек эди. Бироқ, ақсарият мажмуаларнинг мутолааси осон қечмади...

«Қирли ишқ қолалари» (Қарши, «Насаф» - 1995)да «Адолат қожиаси» шеърини Қозил Қиловат марқия сифатида ҳавола этади. Бир қадар маънос, мақзун оханг ҳосил қила

олади. Нораства киз огзига ўгай она кайнок сув куйганда, мургак тан «Омбурнинг захрини туйганда» унинг охини махалласи эшитмаган. Мудхиш вокеий мисол таассуроти тасвирида шоир таъсирчан умумлашма сари ошиккан кўринса-да, зўраки кофияларда, таркок фикрларда махоратсизлик манаман деб туради. Янги гап айтиш истагини бежилов кўйган муаллиф чуқур ўйлаб ўтирмай, юрт шаънига ножўя сифатлаш тиркайди. Хар кандай вазиятда азиз саналмиш Ватанга оид айна мисра ноҳак каргишдек асабга тегади:

Халким, тур гафлатдан, кўшнингни ҳам турт,
Менинг бу шеъримни кўзларингга сурт.
Токай адолатни бўггай ўгайлар,
Эй сен — арвоҳ, урган дорилмомон юрт...

Ёзёвонлик Алишер Бек ҳам шу ҳақда «Адолат ўлмайдими», номли шеър битган («Ёзёвонда жийда гуллади», Андижон, «Ёзёвон» -- 1994). Фожиани у ижодкорга ярашик ички дард, ички маданият билан талкин этган. Шеъри ёлворишнинг ожизларга хослигини уктириб, ўқувчида сергак муносабат уйготади. Унингча, беш яшар кизалокка килинган зулмга ўзи ёши бешда бўлган мустакил мамлакат бепарво эмас. Ватан адолатли кадамлар ташламокда: «Адолат келмокда, у ўлгани йўк! Оппок тонгда учган оккуш мисоли, товуши гоҳ тиник, гоҳида бўгик, учмокда адолат тимсоли».

Бунда нуктаи назар бирмунча самимий, ортикча эхтиросдан холи. Ха, Алишер ўзга шеърида ёзганидек, инсон ўз хислари, хаяжонларини турли тарикада изхор этади, умрда севинчлар ва ташвишлар мўл, «Келган аламларни жилмайиб енгиш, шодликларни эса оддий кутиш бахт».

«Токай сенинг бошингда куёш» деб бошланувчи шеърида Ф. Тиловат энди ўзбекистонни куёшдан-да устунрок кўймоқ аҳди оркали мактовни рўёбга чиқармокчи бўлади. «Куёш нима - у бир бўлак тош...» Каршилантириш бўрттирилган сайин тўкилган гализ нисбатнинг табиий ватансеварликка номуносиблиги фош бўлади. Куёшнинг улугворлигидан, юксакларда туришидан лирик кахрамон сунъий равишда гашланади: «Токай менинг халқумда жоним?!» Гўё куёшни ўзбекистонмас, ўзбекистонни куёш кўтариб юрмоги даркор. Шоирнинг ўзи Ватанни серкуёш деб атайди. Сўнг бу сифатни ислох қилиш таклифини ўйлаб топади. «Хеч бўлмаса бир бўгин — «сер»ни Ташласанг-чи, бошдан кўпариб!»

Санъатини-каловини топиб айтилса ва бунчалар жўн ёзилмаса эди, шеърият шоирнинг юртни мактамокчи бўлиб топган муболага-эътирозларини ўз багрига оларди. Борингки, бу камчиликдан кўз юмиш мумкин. Лекин ўзбекистонни койилмаком мадх этмокка киришган асар палапартиш мушоҳада окибатида терс хиссиёт уйготади. Аввалги бандлардаги Ватанни улуглаш ниятига терс тарзда галати, галатигина эмас, мудхиш ўхшатишли хулосалар пайдо бўлади:

Ўзбекистон, садаганг кетай,
Алам билан келдим кошингга.
Кабристонга ўхшайсан, нетай,
Куёш ўхшар кабр тошингга.

Нуктаи назар хиралигига ва паришонлигига кўп саҳифа ўтмай, яна дуч келамиз. «Мен бахорни севаман» шеърида шоир кўклам уйғонишларини завк билан кузатар экан, шу чоғ дала йўлида келаётган кандайдир зот нигоҳига элас кўринади. Ва барча шодлиги абас кетади. Ана шу йўк асосдан кутилмаган олди-кочдилар бошланади. Яъни, у зот узок йиллардан бери гафлатда экан, унинг кўзларида исён ухларкан:

У бир оддий дехконмас, хайхот,
О, бу мудрок чол — Ўзбекистон!
Келаётир билмайди кайдан,
Кетаётир кайга — билмайди...

Замирида чимдим жозиб хакикат бор бўлса, адабиёт ўта муболагани ҳам хуш кабул килмоғи мумкин. Босик уйку ичра одимлаётган, каердан келаётганини, каён кетаётганини билмовчи, хайкирикларга кўз очмаётган дехкон - уйдирма образ. Энг ёмони, мудрок чолни Ф. Тиловат «Ўзбекистон!» деб таништиради. Нахотки! «Жоним бобом», «ўзбекнинг мудрок исёни»ни баландпарвоз алфозда уйғонишга чакиради. У кайси хил уйкуда? Мудрокдаги исёни не? Уйғоклик дегани исёнкорликми? Ахир, шоир бечора дехконнинг кандай хушёрлигига тарафдор?

Шоирнинг «кани юрт» радифли газалида бирёкламалик хукмрон. Бир колипдаги сўрок-хитоблар мундарижасини кофияларданок илғайсиз: олкорларинг, гулзорларинг, тулпорларинг, дилдорларинг, шункорларинг, пулдорларинг, чилторларинг, алёрларинг кани юрт? «Ранглар» шеърида юрт Киши, Бахори, Ёзига олқиш айтилиб, хирмонларни юксалтган Куз шарҳида негадир аллакандай мавхум караш зоҳир бўлади: «Кўравериб теграмда хазон О, юзларим саргая бошлар... ўйгим келар бу икки кўзни, Кўриб хирмон бошида Кузни!..» Якундаги гараз кимга, нимага тегишли? Хирмон фаслида шоирни ўртаган савол нима? Тўсатдан келган газаб Кузга каратилганми? Нима учун? «Сирли ишк нолалари»нинг кўп шеърларидан шу зайил ажабланиш, хайронлик хосил киласиз. Кузатувимиздаги талай тўпламларда ўзаро ўхшаш камчиликлар, умумий заиф томонлар яққол кўзга ташланади: Усмонжон Шукуровнинг «Тунги кечинмалар (Андижон — 1992), Дилором Каримованинг «Тонгда битилган шеър» («Бухоро» — 1993), асакалик шоирларнинг «Асака навоси» (Андижон — 1994), Турсунмурод Кулматовнинг «Еттинчи китъа» (Гулистон, «Зиё» — 1995), Бойжигит Абдуллаевнинг «Тоza рух» (Гулистон, «Зиё» — 1996), Зухурийнинг «Ватан васфи» (Гулистон, «Зиё» — 1996), Бурхон Файзиёвнинг «Гулшан диёрим» (Самарканд — 1996), Тўлкин Туронбекнинг «Висол согинчи» (Карши, «Насаф» — 1996), ўтбосар Мирзаевнинг «Субҳи содик» (Андижон —

1996), Жуманазар Аноровнинг «Калбим ардоги» (Термиз, «Жайхун» — 1997) китоблари шулар жумласидан.

Эрк, Ватан, Табиат, Муҳаббат, Халк, Она, Истиклол, Эътикод мавзуларида кўплаб каламкашлар (Ў. Мирзаев, Б. Файзиёв, Зухурий, Т. Кулматов, Б. Абдуллаев, А. Аноров, У. Шукуров) жўн, саёз ва юзаки фикрлайдилар. Сиёсий лирикага хос шеърларни шўро тузуми адабиётидаги сийка маддохлик йўсинида тўқийдилар. Айримларда шакли сал ўзгарган фикрий кайтариклар шеърдан шеърга бемалол кўчиб юради. Чунончи, Зухурий тўпламида ахвол ана шундай. Такрорланувчан ножоиз фикрлар окимида хусусан порахўр, олибсотар ва муттахамларни каргаш, сўкиш таҳдиди, лаънатлаш, икки кўзини бармок билан ўймоқ кабилидаги бетаъсир, хатто беодоб гаплар ўнлаб учрайди.

Ижодий ҳаракатда ҳамон олди-кочди ифодаларнинг, хом-хатала мисраларнинг, табиий туйгулардан олис ёлгонларнинг ўралашиб юрганлиги ачинарли. Сарлавҳасиёк хавойиликка ва курук сафсатага дахлдорлигини сездирувчи шеърлар оз эмас: «Газ хакида ваъз», «Куйлагайман чўлимни», «Тезрок терайлик» (Т. Кулматов), «Мафтунингман, ок дала» -- теримчи киз кўшиги, «Кумкўргон пахтакорларига» (Ж. Аноров), «Деспетчер» (Б. Файзиёв), «Махаллам», «Кўзи кўр бўлсин ганим» (Зухурий), «Пахтакор киз», «Пахтакор киз кўшиги» (Д. Каримова)...

Юксак умуминсоний микёслар кўзланмаса, шартлилик ва рамзийлик сарҳадлари тўгри илганмаса, хиссиёт ҳамиятли бошқарилмаса, вақтинчалик телбавор хислар ижодни номакбул кўчаларга етаклайди. Эхтирос шўхлик, эркалик килади, саробга талпинади, адашади, тугёнга кетади. Лирик ошиконалик оламида шу боис қахрамонларнинг бекарори ва нотовони, бешарми ва беҳаёси, алдамчиси ва хардамхаёли кўп. Улар хирсу хавас билан ишқу ошиқликнинг меъёрини, чегарасини фарқламай қоладилар. Вужудий интиқлик, нафсоний талаблар изхорлари уларга назмий топкирлик бўлиб туюлади. Бундай лирик тимсолларнинг хилма-хил ботил хусусиятлари бор. Баъзиларига диққат килайлик:

-- Улар очикча савдони хуш кўради, лаззат истагида ёнади, алдайди-аврайди, ялинади - паст кетади: «Сен томонга узатилган кўлим шашти кайтмасин, Имкон бергин, сочларингни мен бўйнимга ўрайин... Сулувларни севмокликка ҳакким бордир хойнахой» (Т. Шукуров), «Сенинг ишкинг учун вужудим - Ватан» (Т. Туронбек), «Кел, гулим, бағримга кир, гулдон бўлай, ўтли сийнанг мулкига сирдон бўлай» (Ф. Эмин); «Бахш этайин сенга айшу фарогат» (Б. Файзиёв); «Азизим, юзингдан пардани кўтар, Чанкок лабларимни бўсага кондир... Мажнунтол баргидай титрайсан нечун. Ул каро сочларга кўл чўзган оним... Бас, мени тун бўйи кийнама, жоним!», «... Ирмокман, бағримга ирмок бўлиб кир, Кўшилиб, эшилиб дарё бўлайлик!.. Куч мени, ўп мени бир сўз демасдан» (Ф. Тиловат); «Сен саховат ўлкасида бунчалар бўлма ҳасис, Бир бўса сўрсам лабингдан бермадинг нокаста киз», «Мен ўргилайин бўлганда ҳам чол лабингдан» (Б. Абдуллаев)...

— Улар ўзини ўта рашкчи кўрсатади. Аммо ўз ёри ва унинг кандайдир хуштори нисбати тасвирида уларда ростакам озорланиш кўринмайди. Ёр билан хуштор «борди-келдиси»ни бундай ошиқ қахрамон кийналмай сўзлаб беради: «билсанг Отеллодан зўррок рашкчиман, ўлдирмок менинг ҳам келур кХлимдан» (Ф. Тиловат), «Сендан бўсалар олмок ўзгаларга ярашмас», «Факат агёр кўлин тутиб Танг килмагин холгинамни» (Т. Шукуров); «Бахор чоги,... ху... майсазорда Учрашгандик эсингдадир, ёр... Мен ҳам сенга ёкмадим гўё. Хаёлингдан ўзга ёр ўтди...» (Ж. Аноров)...

— Улар асабийрок бўлишади. Ховликма хисли экани боис сўзида таҳдидли оханг,

зўравонлик майли, нотавонлик аломати зохир бўлади. Оний висол учун ўлим ваҳмини бемалол тилга олади, бўлар-бўлмасга юзаки касам ичади: «Бу гал келмасанг ноҳос Йўлга караб ўларман», «Бир кун ўлиб коларман! Сен келмасанг Дилором» (Т. Кулматов); «Жон беришга ҳам тайёрман Садка килиб жонгинамни» (Т. Шукуров); «Олмазорингда адашдим... Истасанг жонимни ол, калбимни колдир, Эй Санам» (Б. Файзиев); «Кела колгин тезрок, чикмасдан жоним» (Б. Абдуллаев); «Киргий каби тикилма Кўзингга зўр келади. Кўп нозу фирок килма ўзингга зўр келади» (Т. Кулматов); «Сен узлатда жавоб берурсан Менсиз ўтган хар лахзанг учун!..» (Ф. Тиловат); «Мен учун туккан сени... Хўп келишган коматингни баркамол айлаб онанг» (Б. Абдуллаев); «Суратингни менга берма, керакмас, Дудогинг лаззати лабимдадир, бас. Кўлларингни менга чўзма — керакмас. Узокдан кўл чўзмокка килмайман хавас... Сўзларимга кулок солма — керакмас, Фикримни элтади мендаги вужуд» (Т. Шукуров); «ўлар бўлсам, рост ўлар бўлдим, Рухсат айланг сизни севишга», «ўлдирсанг ҳам майли, кўлингга ўлай, Факат ўзгинангни согиндим, жоним» (Хуррам Райимов, «Кўш канот», Термиз, «Жайхун» — 1996). — Улар маъшука ила кечган онларидаги килгиликларни бепарда тарзда бемалол айтади. Бунга ўзгаларга кўз-кўз килади: «Севгилимниг бошин кўксимга кўйиб, ўтказганман канча тунларни бедор», «Болишингдан пинхона ушлаб Калтирайди кўлларим кизиби... Кел багримга аллалаб» (Б. Файзиев); «Лабларинг жонбахшлигидан хар нафас яйрар таним» (Л. Абдуллаев); «Кўлимни узатдим нозик кўлингга, Кўлим кайтармадинг, кайтмади кўлим», «Хузур берар ўзингсан, Кўксимни безар гулим ўзингсан. Сендан олиб ҳам бўса дедим, яна тўймадим. Дудогинг таъмлари калбимни тинч кўймади», «Кучогимга ярашган гулсан, Сўзларингда розилик саси. Ох! Канчалар беозор хурсан, Лабларингда ишкнинг хаваси. Орзулар ҳам ушалди шу кеч, Сендан олгач, ширин бўсалар. Менга ёккан сарв жуссангни Кучиб, дедим, ширин бунчалар. Белларингдан кучганда жоним, Бахтим дедим, ўпдим дудогинг» (Т. Шукуров)... Вужудий майлларга мойилликни, севгида назмнинг ийманий меъёрларидан олислашишни, кўпол-нўнок изхорларга берилишни алохида-алохида китоблар мисолида ҳам кузатса бўлади. «Субхи содик» тўпламидаги севгига доир барча шеър у шеърчаларнинг жумлалари гализ, фикрлари алмойи-жалмойи. Зўрма-зўраки кофиялар етаклаб келган «ёт» фикрчалар йигиндисидан, нокерак оддий гап-сўзлардан шеърлар тартиб килинган. Натижада ният килинган асар иморатида харобалик вужудга келган: «Бунчалар бежирим бўлмасанг, пари, Йигитлар жонига касд килдингми ё? О, Сибир сувсари — сўлим Сурайё...», «Мен асални ошай олмайман, Менга болнинг араси керак...», «Нега чирок ўчирдинг, коқвош...», «Чаён каби чакди кулиб каро кўз. Захарли чаён минг бир дардга даводир». Ёки:

Кўп кўзларнинг хажрида ёндим,
Кўпларини ёндирдим мен ҳам.
Факат бирин меҳрига кондим,
Биттасини кондирдим мен ҳам.

«Тоза рух» тўпламининг талай газалларига ёр нукул кирмиз ранг харир ёки атлас кўйлак

кийган кўринишда ташриф буюради. Бир шеърда ёр окшомлари кулоқдан сиргасини ечиб кўйса, бошқасида бармогидан узукни ечиб кўяди. Яна бирида маъшук совга килган мунчоклар ечилади. Сирга ҳам, узук ҳам, мунчок ҳам то тонггача дилдорга зор яшайди. Фикрий такрорлар сони анчагина.

Ношаръий холатларни, хушторликка хос ўткинчи жазавани севги номи билан хадя этиш айникса Ф. Тиловат ижодида кўп. Шеърларини хох яхлит, хох якка тартибда гоъвий-бадий тахлилга тортманг, бикик маслакка, муаллиф томонидан маъқулланган гуноҳли вазиятга, тажрибасизликка рўпара келаверасиз. «Балкондаги киз (харбийдан хат)»даги дастлабки уч мисрагина самимийрок. Бунда ўша кизнинг ўз дилбарига ўхшаб кетиши, кизга бокиб ёрини эслаши айтилади. Сўнгра нохолис хиссиёт ва киликлар бошланади: узокдагисига ўхшагани сабабли яқиндагисига талпинилади. «Рози бўлса, килса илтифот: Бир сония эрк берса бори...» Хўш, бу умидда кандай самимият бўлиши мумкин? Устига-устак, кизнинг офицер-ёри бор экан. Бекарор ошиқ остонадан хатлаган кезде ўша офицер келиб колса деб бироз чўчийди. «Асар» шундай тугайди:

Хиёнат-ку килмасдим минбаъд
Дилбаргинам, алдамоқ нечун?!
Мен у кизни ўпардим факат,
Сизга ўхшаб кетгани учун...

Эхтимол, айна ахлоқ ила савияни бевосита шоиргамас, кайсидир бир харбийга тегишли деган эътироз тугилар? Холбуки, шундайлиги асло сезилмайди. У холда хажман ўшандай «Томошагоҳ» шеърини кандай тушунайлик? Томошабинлар мор чирмаган аёлни олқишлаётир. Хатто кизчаларнинг кўзларида зўр хавас, юраклари морбозликка «суст» кетган. «Аёл бирам латиф, бирам - ўгирлайди хаёлни». Шоирона кўнгил – эгри:

Менда-да бу дам бир истак.
Чўмгум ширин хаёлга:
«Кани эди, илон бўлиб
Чирмашсам шу аёлга...»

ўзга шеърларида ҳам лирик кахрамон бекарор ва бетайин: «Шимоллик кизга» — мовий кўз, олтинсоч гўзалга «Ма, кабул эт, берай бўсалар», дейди у. Икки бандда шул таклифни ўриснинг ва ўзбекнинг маколлари («Берса олгин, кочгин урсалар», «Йигит сўзи сингандан кўра, Сур шайтоннинг ўмрови синсин!») мустахамлаган бўлади. Бўсага таклифнинг, ирсоли масалнинг огоҳ-хулосаси мақсадга яраша бачкана:

Тортигимни олмасанг, баттол,
Бўсаларим соврилса елга,
Айт, хикматлар бўлмасми увол,
Сўнг не жавоб айтурмиз элга?

«Азизим», «Илтижо», «Мухаббат - ХАЖ», «Мен нечун», «Минг йилки», «Суйдим сени», «Бўса хакида баллада», «Кашшоклик», «Коркиз», «Кайтиш», «Омад», «Кўрмасин», «Инсоф», «Толе», «Сочларингни» шеърларида ҳам назар тиник эмас, губорсиз эмас. Фозил Тиловат вужудий висол манфаатига доир деярли ҳамма ишлар ишорат-тафсилотини ёритишга чоғланади: ёлғиз истак ўпмок. Бирон зот бундаин ўлмаган. Дунёда йўк бунаканги таъм. Хаттоки, «Саъдий суйган ёрнинг сийнасида ҳам». Шундай ўпиш лозимки, конлар кўпчиб кетсин. Лабларга лаб босилади. «Лаблар эса елим каби дудокларга ёпишади». Бўсанинг кудрати кўрсатиб кўйилади. Шахарда нозанинлар кўп, аммо кишлок кизлариям хўп етилган. «Дуркун-дуркун кизчалар билан хилватларда учрашмок — маза!»

Алқисса, лирик кахрамон уйда тунайди. «Худо инсоф бердим» дея ёр мамнун. Шу пайт, «Тўймай хали оташ лаблардан» алоқачиси хат ташлаб кетади. Ажабки, калбида бошка таниш дилбарга нисбатан хис (хирс) уйғониб, йўли у ёнга тушади, чорлаган дилбаргинасининг гўшасига киради. Иккинчи ёри ҳам мамнун ва хайрон: «Худо инсоф бердим?» Ошиқнинг шодон, голибона кайфияти бирдан дахриёна тус олади:

«Кўкларда-чи, худолар ожиз, Менга инсоф беролмай хайрон!»

Мазкур воқеабанд тўкимага шоир «Инсоф» деб сарлавха кўйибди. Аслида бошқачарок ёзилиши, номи тахминан «Инсофсизлик» бўлиши керак эди. Хохланг-хохламанг, шеърдан жазманилик ва ахлоқсизлик тарғиби, бузук юриш-туришни маъқуллаш гоёси келиб чикади.

Ботил карашлари устун «ижод»ларда юкоридагидек дахриёна кечинмани ёки бидъат ва ширкка коришиқ талқинни англаб эса кўпам таажжубланмайсиз. Чунки кайсидир амал ё хислатдаги гофилликнинг ўзга бир харакатда ҳам панд бермаслигига кафолат йўклигини биласиз. Масалан, эътибор каратаётганимиз «шуаро»нинг кўпчилиги исломий иймонга тааллуқли масалаларда ҳам ўйламай-нетмай калам тебратадилар. Ўтбосар Мирзаевнинг она мадхидаги хом шеърларини шунчаки ўкиб кўя колса бўлади. Аммо «Хеч кандай тангрини тан олмайман мен», дейишга уни нима мажбур этган? Вахоланки, ашаддий дахрий ҳам шундай карорга келишдан кўркиб яшайди. Тўгри, шоир ўша фикрида собит эмас, ўзгачарок фикр айтмокчи. Бу ёзган онларидаги палапартишлиги, масъулиятсизлиги окибатидир. Дилором Каримова ижодидан олганимиз эндиги парча ҳам айни хил локайдлик сирасига мансуб:

Кимлар худоларга сигинса,
Кимлар дахоларга тиз чўкса агар,
Мен бўлса ягона Оллохим Дея
Сизга бош эгарман, меҳрибон падар.(?)

Бугуннинг минглаб инсонлари хилма-хил илмлардан огоҳ, фано билан илоҳиётни идрок этиш йўл-йўриklarидан бохабар. Туркона назмнинг нодир мерос ва анъанага бойлигидан вокиф. Мантикдаги нозик фарқларни, ноаниклик, сахв-хатоларни улар дархол илгашади. Шеъриятдан янгича кашф, санъат, ҳақгўйлик кутишади, жозибадор тағмаънолар излашади. Уларни алдаш қийин. Шоирлигимизга, битигимиз арзирли ижодлигига кўпни инонтирмок осон ва безахмат кечмайди. Фасохатнинг эса хатто тадқиқ билан тушунтириб бўлмас асрори беҳисоб.

Пойдевори ҳақ сўз ва маънидан барпо бўлмас экан, ҳар қандай янги, катта гап ҳам ўзига ром эта олмайди. «Илк бора йўрғаклаган дояларингга раҳмат, Тугилган чоғингдаёқ қилмиш ато қулдирғич» (Б. Абдуллаев) деяр бўлсак, Аллоҳ иродасини инсонга нисбат бериб кўйганимиз фаҳмлиларни ранжитади. «ўн саккиз дўзах ато эт, ўн саккиз йилдан ётай, ўн саккиз ёшимда ўзим топтаган туйғу, кечир» (ўша муаллиф) ёки «Майли, сочинг толасига ос мени, Тугилайин ўзни қайта тузатиб» (Т. Шукуров) дейилмиш севгига ва севгилига мурожаатларда ҳам шу янглиг хатолар.

Сир эмас, эътикод баёнида, ийманий тушунчаларнинг байтлардаги иштирокида галати, нотўғри ифодалар кўпайиб кетган. Чўнончи: «севги — худо», «ишқ худоси», «ишқ ояти», «дил — худо» кабилидаги фикрлар тўпламларда бот-бот учрайди. «Она табиат шафқат худоси!» деб бонг уради Усмонжон Шукуров. Сўнгра унга илтижолар қилади. Тўлкин Туронбекнинг қичкина мажмуасида «сигинмок», «сажда» лафзлари ўз ўрнини тополмай сарсон кезади: «ўзингсан-ку мен сигинган ягона юрак», «Саждалар қилурман покдил инсонга», «Ёлғиз фирок бўлди сигинар каъбам».

Булардан ташқари, замонавий назмда ҳуда-беҳуда касамёд қилмок урф бўлганини бу «ижод»лар намойиш этади. Жуда қалтис, мажбурий вазиятдагина, шунда ҳам фақат Аллоҳ исмлари билангина онт ичмок шаръийдир. Яратиклари билан эса Яратганнинг ўзи касам ичади. Ҳар бир буюрилган ҳолни шеърият ҳисобга олмоғи жоиз. Шоир ҳақ динга доир образли талқинда исломий илмларга таяниши шарт. Бу борада ёзганларини муқаддас манбалар нечоғлик қувватлаши ва тасдиқлашини текшириб кўриши керак. Муаммоларга исломда ўша манбалар асосида жавоб берилади. Яъни, ҳужжат билан далилланади. Тўғри ақидага суянилса, шеър турли даражадаги гуноҳу шубҳалардан фориғ шаклланади.

Вазн бузилиши (айниқса арузий мисраларда), гап бўлақлари ноқислиги, маънисизлик, кофиябозликдек иллатлар, нашр билан боғлиқ сифатсизлик намуналари кам эмас. «Насаф»да босилган «Сумбула» (Карши — 1997) китобига Сувон Сокий 365 рубоийсини жамлаган. Рубоиймас, балким тўртликлар деб камтарона атамок маъқулмиди? Кўпчилиги ё жўн гаплар баёни, ё фасохатини аллақачон топган фикрлар такрори, ё енгил-елпи кофияга бўйсиндирилган мисралар. Қуйидаги сингари тизмалардан ҳеч нарса тушунолмай бошингиз котади:

Дайди ит эрта-кеч суяк ахтарар,
Бирор хилватгоҳдан тувак ахтарар.
Соқоли кўксига тушса ҳам бир қас,
Бозордан ўзига сумак ахтарар.

Жўнлик даражаси ва жумлалар гализлигига кўра ҳам баъзи китоблар бир-бирдан асло қолишмайди. Усмонжон Шукуровнинг «Тунги кечинмалар»и, у мухаррирлик қилган Мухсин (Одилжон Олимов)нинг «Жон богчам, жаҳон богчам» (1995), Жуманазар Аноровнинг «Калбим ардоги»га ўхшаш тўпламлар ахволи анчайин ночор. Мухсин ижоди ички мукованинг бир ўрнида «шеърлар ва баллада» тагсарлавҳаси билан очилса-да, баллададан ном-нишон йўқ. Шеърлар кичкинтойларга бағишланган. Аммо ундаги зўрма-зўраки кофиялар, «гаройиб» фразалар, тинишсизлик, мавҳумот ва саёзликлар болакайларнигина эмас, катталарни ҳам гангитиб кўяди: «Бойиди ўз хилидан», «Сўлмайман Сўлар бўлсам ўлмайман ўлар бўлсам Юрт ҳаққи ичғум қасам Айбдорман Асролмасам», «Улгайиб ўссам катта», «Хифзлаб еру осмон», «Ақлим жўри, Бўлса кўри... Дил завқига қонса юрак Урса — керак», «... Азизсиз эъзоз нон Ундан сиз Минг чандон Лазизсиз», «Истагим Умидвор Тилагим...», «Ул қорбобо бира йўла Линча тўла Олиб чикди Турли совга...», «— Бу қора дўхтлик, тўқликка шўхлик», «Тинчлик кўшиқлари Зўрласин»...

Ҳозир ҳеч қандай мафқура сўз санъатига тазйик кўрсатаётгани йўқ. Ақсинча, мусаффо ижодий муҳит барпо бўлди. Иллат эса гализ ёзғувчиларнинг ўзларида, ўзларининг савияларида, ботиний ахволидадир. Зотан, қадимул айёмдан бўён ҳеч қайси ижодкор ўз ички оламидан қочиб қутула олмаган — битигига унинг қимлиги, маънавияти барибир кўчиб ўтган.

«Она дуоси» номли шеърида бугуннинг бир шоири ёлгонларни қалаштирар экан, ўта зиддиятли фикрлайди. Замона зўрламаса-да, ҳатто ўша мустабид жамиятда қам учраган тугён билан шакқоқлик қилади. Мантқиқни фаҳмламайди. Шеърида туш кўрганини баён қилади: «Бўйним узилиб, Бошимни қўлимга олиб юрибман». Онасига шу ҳақда сўйлаб, гуноҳи йўқлигини таъқидлайди. Волидаси дуо қилгач, ёқимли туш кўради. Хуллас, ҳулосани қаранг:

Бир номард тухмати умрим узганда,
Онамнинг дуоси баҳш этди ҳаёт.
Ҳеч қандай тангрини тан олмайман мен,
Факат менинг тангрим Онажоним — Сен.
Сенга сигинаман, сенга ягона,
«Қурук тухматлардан сақлагин, она!»

Дуо ўзи нимадир? Бандаларга уни қим буюрган? Дуони қай улуг зот ижобат қилади? Ахир лирик қаҳрамоннинг онаси Худого ёлвориб илтижо этди-ку? Наҳот фаросат шунчалар бетайин ва бетийик бўлса?.. Фасоҳат соғлом-саломат бўлиши учун, кўринадики, қаламкашнинг нуқтаи назари тузук ва тозарган, туйғуси қоқ, идроқи теран, илми зиёда бўлмоғи зарур. Дунёдаги бирор инсоннинг дунёвий ва исломий илмлар ҳосиласисиз қомиллик сари қўтарилиши дарғумон, Шуаро дегани биринчи навбатда сўзни, унинг зимнидаги нозик асрорни, ифоданинг кейинги жавобгарлигини айрича

безовта хис этгувчи кавм демакдир. Улар нуткнинг илохий ходисалигини, хар калимаси учун бехисоб ажр-мукофот ёки огир сўроқлар борлигини тафаккур килмоги даркор. Гоҳо шаклланган деганимиз, гоҳо энг ишонганимиз шоирлар яхшигина асарларининг исломий жихатларида, митти, аммо мантикан жиддий ножўяликларга йўл кўяди. Баъзан ҳақ эътиқоддаги муқаддас сўзларнинг гофилонани ишлатилишлари гашимизга тегади. Илҳом билан битилган айрим ёш шоирларнинг шеърларида шу янглиг равшан камчиликларни кўриб, ажиб захматларнинг зое кетаётганига афсусланасан киши.

Кейинги йиллар ёзилган баъзи шеърлардаги ушбу мисраларни мушоҳада килиб кўринг: «Мен сенинг нолангни тинглардим, Худо», «Сездим жуфтим эканин Оллоҳ Накшбандга бориб келганимдан сўнг», «Оллоҳ шундай кўкарасанми? «Йиглайсанми шунака, танграм?»». Шу янглиг мисралар ўзлари мансуб шеъргагина эмас, бундай фикрлашга мослаштириб ҳосил килиниши мумкин бўлган бошқа бир шеърларга ҳам ярашиб тушиши мумкин эмас. Айрим ёшлар бўлар-бўлмасга ўлимни тилга олишдан («Агар кўрккан бўлсам, ўлимдан кўркдим, Агар севган бўлсам, севдим ўлимни»), чуқур тушкунлик охангларида чўчимайдилар. Бу каби ҳолатларнинг-да шукроналикка зидлигини, Аллоҳ буюрмаганини эътиқодимиз ҳужжатларидан катъий билиб олмоғимиз даркор. Энг ёмони эса қатор шаклланмаган шоирларнинг ўз «асар»ларида муқаддас тушунча ва калималарни кўллашга ношудларча ошиқишларидирки, бундай юзакиликлар ҳавфлидир. Фозил Тиловатнинг атиги тўрт бандлик шеърида мисралар микдоридан кўра кўпроқ пала-партишликка дуч келасиз:

Мухаббат - ХАЖ,

Ишк эса товба...

Васл иташ чекмоккан жабр.

Эркам, васлинг муқаддас КАЪБА,

Хажринг бўлди — Сахрои Кабир...

ўзинг мени ёрлака танграм,

Сенга етай, ёхуд ўлай ман.

Лабларингдан бир бўса бергин.

Санокли асарлардан муайян баҳра олиш билан умумий аҳвол коникарсизлигидан кўз юмиб бўлмайдди. Қирқка яқин ижод маҳсулини кўздан кечирдим. Улар таркибида эътиборга моликлари ҳам бор. Одатдагидан кўп, лекин китоблар ичидаги микдордан хийла кам келтирганим мисолларда мен бадий ифода маданиятига ҳослик белгиларини оз кўрдим. Кўнглимда безовта саволлар уйгонди: мутахассис ва мутасадди биродарлар қаёққа қараётир? Нашрнинг моддий жихатини зиммага олмок, пул ўтказиб кўймок нахотки ижоднинг ўзидан устун мавқега кўтарилган? ўоявий-бадий савияга жавобгарликни муаллифга юклаш бошқалар бўйнидан масъулиятни соқит қиладими? Муҳокама аталмиш фойдали қоида унут бўлганми? Нега бўлар-бўлмас, олди-қочди, беқарор-бетайин, хом-хатала нимарсалар ёзиб, уларни серхато, бесифат чиқариб омма тасаввурини қалғитамиз? Шеърятдек санъат обрўсини масҳарага, юзаки ҳукмларга рўбарў қиладими? Ахир, мустақиллик имконларига, олижаноб мафкура ва маънавият

орзуларига жойларда ўқувчилар шеърият деб санаётган бу китоблар канчалик ҳисса кўша олади? Камчиликнинг кўпайиши ва кенг тарқалиши халқни алдамайдими? Саробларга бошламайдими?

Азим Суюннинг: «Битта хикмат менга аён: Сўз тузалса, эл тузалар», деган мисраси бор. Бунда ҳеч бир муболага йўқ. Дидлар пасайиши, фикрлов торайиши, адашувлар ва алданувларда сўзнинг, бинобарин, бадиий талқиннинг муайян ҳисса-гуноҳи йўқ эмасми? Масаланинг мазкур томони негадир ҳеч кимни кизиктирмай келади. Яқин адабий тарихимиз ва янги асарларга разм солсангиз, чалгитгувчи, номакбул ўй-хисларни тарбияловчи, сохталик ва алдамчилик хусусиятларига эга ифодаларни кўп учратасиз. Вахоланки, миллионлаб ўқувчининг, Ватан ва миллатнинг хурмати учун тақдимотдан олдин масъулият ва муҳокамани кучайтириш лозим. Хилма-хил мақсадга номувофиклик аломатларига адабий танқид ҳам бепарво. Лоқайдлик хатарлидир, ҳар қандай гофилликка, ёқимсиз ходисага имкон қадар тўқинлик қилмаса, бефарқлик ҳам шериклик саналиб қолади. Тўғри, айни лоқайдлик — бир жихатдан ўша асарларни маъқулламаслик белгиси, бироқ танқид сукути бемазалик авжланишига, омма тасаввурининг хиралашувиға тобора йўл очади.

Ва лекин ўзбек шеъриятининг ҳозирги исломий оҳангларга интилишларини умумий аҳволи ёхуд пафоси даражасини мен «иймон соғинчи» мақомидадир, деб белгилаган бўлардим. Исломиётда шундай тушунча мавжуд. Тутқунликдаги ҳар жонзот билиб-билмай озодликни истагани сингари синов дунёсидаги ҳар банди сезиб-сезмай иймонга талпинади, уни соғиниб яшайди. Худди шундай, ҳуррият туртки бўлиб, иймон соғинчлари юзага чиқди. Энди иймон ҳаловатигина юксак мақомдир ва поэтик тафаккурда у бош муддаолардан бири бўлмоғи зарур. Эндиги шоир шеъриятда ҳаёт-мамот вазифаларига дахлдорлик борлигини ва унинг тарозуси энг тўғри эътиқодда эканлигини етарли англамоғи шарт. Йўқса, ҳар нечук захмат ёки оний юксалишнинг бевақт беиз кетмоғи аниқ. Исломиий йўсинда ёзмок зўравон мажбурият эмас. Бу каби мезонлар айни чоқда ҳеч маҳал соф дунёвий ёзмокни ман этмайди. Аксинча, у дунёвий мавзулар талқинига кенг, тўғри йўлларни ўргатади, ҳато фикрлашдан огоҳ этади. Шоирлик даъвосидаги шахс шеъриятнинг ўзига ҳос ибодатлигини, ўзини ва ўзгаларни покловчи воситалигини, бунда билим, захмат, маҳоратгина вазиятдан олиб чиқишини мушоҳада этмоғи зарур. Гап мавзулар ёритилишининг бўшлиғи, жўнлиғи ҳақидагина эмас, балки бадиийат мақсадларини ҳислаш, ўзни илму қарашларга бойитиш, нуқтаи назарни тиниклаштириш, масалаларга қай таҳлит муносабатда бўлиш тўғрисидадир. Гап, синов дунёсидаги адашув ва алданишларимиз етмагандек, назмга эрмақталаб ёндашиб, ҳақ ризолигини кўзламаслик ва ҳатоликни оширишнинг зарарли экани хусусидадир. Шеъриятда ҳам савоб ва гуноҳнинг чегараси бир қадам... Зотан, англаган ижодкор учун иймон, диёнат, расолик бутун жамиятнинг, бинобарин, шеъриятнинг беназир муддаосидир. Унда иймон ҳаловати балкиб юзага чиқмоғи учун эса аввало биз – ижод аҳли ўзимизда комиллик аломатларини барпо этмоғимиз лозим. Негаки:

Сўзда савоб бордир, сўзда сароб бор,
Ҳар нечук битикка сўзон сабабкор.
Адашган қаламлар қасридан гоҳо
Беғуноҳ қадамлар гофил, гуноҳкор!

Сўзда савоб бордир, сўзда гуноҳ бор,
Ботил сўз - хатокор, ҳақ сўз – ҳалоскор.
Манзурлик истасанг замонлар оша,
Ҳар сўзга тафаккур тафтиши даркор!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1998 йил 20 май, «Ёзувчи» газетаси, 1998
йил 1 апрель.